


# DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI



Elektron ilmiy-ommabop jurnal

**2025**

**1-SON**

(+998) 50-005-45-69

[https://t.me/demografiya\\_mehnatbozori](https://t.me/demografiya_mehnatbozori)

[demografiya\\_mehnat\\_bozori@mail.ru](mailto:demografiya_mehnat_bozori@mail.ru)

**DEMOGRAFIYA  
VA MEHNAT  
BOZORI**

**2025-yil  
1-SON**

Elektron ilmiy-ommabop jurnal  
Электронный научно-популярный журнал  
Electronic popular science journal

**BOSH MUHARRIR:**

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

**MUHARRIR:**

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Abduraxmonov Qalandar Xodjaevich, i.f.d., akademik.**

**Sharipov Kongiratbay Avezimbetovich, t.f.d., prof.,**

**Xudoyqulov Sadirdin Karimovich, i.f.d., prof.,**

**Axmedov Durbek Qudratillaevich, i.f.d., professor**

**Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.,**

**Nasimov Dilmurod Abdulloyevich, i.f.d., prof.,**

**Arabov Nurali Uralovich, i.f.d., prof.,**

**Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna, i.f.d., prof.,**

**Mamadaliyeva Xafiza Xoldarovna, i.f.d., prof.,**

**Irmatova Aziza Baxromovna, i.f.d., prof.,**

**Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, g.f.d., professor**

**Isayev Faxriddin Ikramovich, i.f.d., prof.**

**Usmanov Anvar Saidmaxmudovich, i.f.d., professor**

**Qodirov Abdurashid Madjidovich, i.f.d., professor**

**Hermann Sterzinger, i.f.d., professor (Germaniya)**

**Ergashxodjaeva Shaxnoza Djasurovna, i.f.d., professor**

**Tomash Kuchera, i.f.d., professor (Chexiya)**

**Abrorov Sirojiddin Zuxriddin o'g'li, PhD**

**Shakarov Zafar Gaffarovich, PhD, dotsent**

**Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li, PhD**

**Gulmurodov Kamoliddin Abduqodir o'g'li, PhD**

**Asqarova Muhabbat Ibraximovna**

**Bahriddinova Muazzam Azam qizi**

## MUNDARIJA

<b>Умурзаков Баходир Хамидович</b> <i>Дунёдаги демографик ривожланиш ҳолати ва истиқболлари.....</i>	4
<b>Xudoykulov Sadirdin Karimovich, Abdurahimov Sarvar Nasrilloevich</b> <i>Kambag'allikni qisqartirish, aholi turmush tarzini yaxshilash — farovon hayot demakdir.....</i>	18
<b>Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, Musayev Bekzod Murodovich</b> <i>Mirzacho'l iqtisodiy rayon shaharlarining ijtimoiy-demografik rivojlanishi va muammolarini hal etish yo'llari.....</i>	29
<b>Мамадалиева Хафиза Холдаровна</b> <i>Демографическое развитие и его влияние на экономический рост страны: теоретический и эмпирический анализ.....</i>	38
<b>Abdullayev Asliddin Jumaydullayevich, Burxonov Sardorjon Nasulloevich</b> <i>Enhancing educational effectiveness through the application of innovative communication marketing strategies in higher education institutions.....</i>	49
<b>Yavmutov Dilshod Shoyimardonqulovich, Burxonov Sardorjon Nasulloevich</b> <i>The role of industrial greening in ensuring economic stability in our country.....</i>	63
<b>Tojiyeva Zulxumor Nazarovna, Omanova Kamola Botir qizi</b> <i>Jizzax viloyati qishloq aholi manzilgohlari joylanishining geografik xususiyatlari (turlari va shakllari).....</i>	73
<b>Shakarov Zafar Gafforovich</b> <i>Иш жойлари мониторинги амалга оширишнинг хорижий давлатлар тажрибалари.....</i>	82
<b>Burxonov Sardorjon Nasulloevich</b> <i>Leveraging marketing strategies to boost national economic competitiveness.....</i>	91
<b>Sherxolov Olimjon Iskandarovich, Musayev Bekzod Murodovich</b> <i>Samarqand viloyati aholi soni dinamikasi.....</i>	100
<b>Maxmudov Asliddin Sirojiddin o'g'li</b> <i>Mintaqalarni barqaror rivojlantirishning iqtisodiy asoslari.....</i>	107
<b>Asqarova Muhabbat Ibraximovna</b> <i>Hozirgi zamon ilmiy-amaliy yondoshuvlarni innovatsion tarzda shakllantirish va rivojlantirish...</i>	116
<b>Burxonov Sardorjon Nasulloevich, Dustmurodov Diyorbek Xo'dayor o'g'li</b> <i>Tadbirkorlik subyektlarida moliyaviy strategiyani shakllantirish.....</i>	125
<b>Нуманова Мадина Латиф қизи</b> <i>Инсон капитали ва барқарор ўсиш: Ўзбекистон ҳудудларининг рақобатбардошлигини оширишдаги роли.....</i>	131
<b>To'rayev Mirzohid Hoshim o'g'li</b> <i>Yaponiyada uy xo'jaligi transfertlarining iqtisodiy ahamiyati va uni O'zbekiston sharoitida tatbiq etish imkoniyatlari.....</i>	143
<b>Ibragimova Mehrangiz Isomiddinovna</b> <i>Ta'limda modulli o'qitish texnologiyasi.....</i>	151
<b>Ro'ziyeva Anora Muhammadiyor qizi</b> <i>Kompyuter jinoyatlari va kiberxavfsizlik: raqamli jamiyatda huquqiy, texnologik va ijtimoiy jihatlar.....</i>	156
<b>Mamatqulova Mushtariy Komiljon qizi</b> <i>Mehnat munosabatlarida moliya-soliq mexanizmlari orqali norasmiy bandlikni kamaytirish choralari.....</i>	165
<b>Yunusova Ug'iloy Bolqiboy qizi</b> <i>Ovqatlanish korxonalarida ofitsantlar xizmat sifatini oshirish.....</i>	172

## ДУНЁДАГИ ДЕМОГРАФИК РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Умурзаков Баходир Хамидович**

Иқтисод фанлари доктори, профессор  
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини  
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”

илмий тадқиқот маркази сектор мудири

E-mail: [umurzakovboxodir807@gmail.com](mailto:umurzakovboxodir807@gmail.com)

ORCID: 0009-0000-8140-1700

**Аннотация.** Ушбу мақолада глобал демографик ривожланиш тенденциялари, аҳоли ўсиш суръатлари ва уларнинг минтақавий хусусиятлари ва тафовутлари чуқур таҳлил қилинган. Аҳолининг ёш ва жинсий таркибидаги ўзгаришлар, туғилиш ва ўлим даражалари, миграция жараёнлари тенденциялари, урбанизация динамикаси ҳамда фуқароларининг демографик қариш даражалари илмий ёндашув асосида кўриб чиқилган. Демографик жараёнларнинг иқтисодий ва ижтимоий оқибатлари ҳамда уларни барқарор ривожланиш нуқтаи назаридан бошқариш масалалари муҳокама қилинган. Мақолада Африка, Осиё, Европа ва Америка минтақаларидаги аҳоли таркиби ва ўсиш динамикаси ўртасидаги фарқлар рақамли таҳлиллار ва таққослама асосида ёритилган. Шунингдек, 2050 йилгача бўлган демографик прогнозлар ва уларнинг инфратузилма, меҳнат бозори, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига эҳтимолий таъсири бўйича илмий хулосалар баён этилган. Тадқиқот натижалари аҳоли сиёсатини такомиллаштириш, туғилишни бошқариш, кекса авлодни қўллаб-қувватлаш ва миграция сиёсатини шакллантиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

**Калит сўзлар:** демография, аҳолининг ўсиш динамикаси, ёш таркиби, туғилиш даражаси, миграция, демографик қариш, минтақавий фарқлар ва хусусиятлари, урбанизация, демографик прогнозлар, ижтимоий сиёсат.

## СОСТОЯНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ДЕМОГРАФИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ В МИРЕ

**Умурзаков Баходир Хамидович**

Доктор экономических наук, профессор

Научно-исследовательский центр

«Научные основы и проблемы развития

экономики Узбекистана» при ТГЭУ

**Аннотация.** В статье всесторонне проанализированы глобальные тенденции демографического развития, темпы прироста населения и региональные особенности и различия в демографических процессах. Особое внимание уделено изменениям возрастной и половой структуры населения, динамике рождаемости и смертности, миграционным потокам, процессам урбанизации, а также проблемке демографического старения граждан. Рассмотрены экономические и социальные последствия демографических сдвигов с позиций устойчивого развития. На основе статистических данных и сравнительного анализа раскрыты особенности демографической динамики в странах Африки, Азии, Европы, а также в обеих Американских континентах. Приведены прогнозы демографической ситуации до 2050 года и сделаны научные выводы о её возможном влиянии на инфраструктуру, рынок труда, системы образования и здравоохранения. Полученные результаты имеют прикладное значение для совершенствования демографической политики, управления рождаемостью, поддержки пожилого населения и формирования эффективной миграционной стратегии.

**Ключевые слова:** демография, динамика развития населения, возрастная структура, рождаемость, миграция, демографическое старение граждан, региональные особенности и различия, урбанизация и демографический прогноз, социальная политика.

## THE STATE AND PROSPECTS OF DEMOGRAPHIC DEVELOPMENT IN THE WORLD

**Umurzakov Bakhodir Khamidovich**

Doctor of Economic Sciences, Professor  
Scientific research center "Scientific foundations  
and problems of the development of the  
economy of Uzbekistan" under TSUE

**Annotation.** This article provides a comprehensive analysis of global demographic development trends, population growth rates, and regional disparities in demographic processes. Particular attention is given to shifts in age and gender structure, changes in birth and death rates, migration flows, urbanization processes, and the challenge of population aging. The economic and social implications of demographic transformations are examined through the lens of sustainable development. Using statistical data and comparative analysis, the study outlines the demographic dynamics of Africa, Asia, Europe, and the Americas. Forecasts up to 2050 are presented, along with scientific assessments of their potential impact on infrastructure, labor markets, education, and healthcare systems. The findings offer practical relevance for improving population policy,

*managing fertility, supporting the elderly, and shaping effective migration strategies.*

**Keywords:** *demography, population dynamics, age structure, fertility, migration, population aging, regional disparities, demographic forecast, social policy.*

**Кириш.** Дунё аҳолиси келтириган прогноз кўрсаткичларга қарараганда хозирги 7,7 миллиарддан 2050 йилда 9,7 миллиардга етади, яъни икки миллиард кишига кўпайиши кутилмоқда, бу даврда туғилиш суръатлари пасайишига қарамадан мутлоқ кўрсаткичлари аср охирига келиб қарийб 11 миллиардга етади. Ушбу давр мобайнида дунё аҳолисининг кўпроқ шаҳарлашиши прогноз қилинмоқда, 5 ёшгача бўлган болалар эса 65 ва ундан катта ёшдагиларга қараганда улуши кўпроқ бўлади.

Шуниси эътиборлики, 2050 йилгача бўлган даврда дунё аҳолиси ўсишининг ярми асосан тўққизта давлатга тўғри келиши кутилмоқда. Бу давлатлар Ҳиндистон, Нигерия, Покистон, Конго Демократик Республикаси, Эфиопия, Танзания, Индонезия, Миср ва Америка Қўшма Штатлари ҳисобланади. Африканинг Саҳройи Кабирдан жануби-ғарбий қисмидаги аҳоли сони икки баравар кўпаяди, Европа аҳолиси эса катта суръатлар билан қисқариши кутилмоқда.

Миграция жараёнларидаги кузатилаётган тенденциялар инсонларга иш, оила ва таълим имкониятларини муносиб тарзда мухайё қилинаётганга қарамай, иккинчи томондан зўравонлик, таъқиблар, маҳрумлик ёки офатлар, жумладан, иқлим ўзгариши натижасида ўз уйларини ва жамоаларини тарк этаётганлар сони ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Сўнги йигирма йил ичида халқаро муҳожирлар улуши дунё аҳолисининг тахминан 3 фоизини ташкил қилган бўлсада, 2000 йилдан буён уларнинг сони ярмидан кўпроққа ошди. Шу билан бирга, узоқ давом этган можаролар туфайли ўз уйларини ташлаб чиқишга мажбур бўлганлар сони кескин ошди ва иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитнинг деградацияси туфайли янада ошиши мумкин. Қочқинлар ва муҳожирлар оқимининг катта қисми глобал жанубдаги мамлакатларга тўғри келади.

Дунёда юз бераётган демографик жараёнларни батафсил демографик манзарасини ифодалаш учун дастлаб аҳоли сони, унинг таркиби ва динамикасига таъсир кўрсатувчи омилларни кенг қамровда таҳлил

қилишимизни талаб этади. Қуйида келтирилган маълумотларда замонавий демографик вазиятнинг асосий жиҳатлари умумий тавсиф шаклида баён этилган бўлиб, унда юқорида қайд этилган барча омиллардан фойдаланилган ва дунё минтақаларининг таққослама тавсифи келтирилган.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида асосан ахборотларга асосланган мантиқий таҳлил усуллари қўлланилди. Бунда билиш назариясининг индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил, синтез ва прогноз каби услубларидан ва ёндошувларидан ҳам фойдаланилган.

### **Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

2025 йил 1 январ ҳолатига кўра, ер юзида 8 миллиард кишини ташкил қилади. Бу аҳолининг мутлақ кўрсаткичи бўлиб ҳар йили мунтазам ошиб бормоқда ва шу билан бир қаторда 2024 йилдан бошлаб дунёнинг турли минтақаларида инсоният тарихида туғилиш суръатларининг пасайиши туфайли аҳолининг мутлақ ўсиш суръатлари ҳам аста-секин камая бошлайди. Сўнгги ҳисоб-китобларга кўра, дунё аҳолиси 2020 йил январ ҳолати 7.84 млрд. кишидан 2025 йил январ ҳолатига 8.23 млрд. кишини ташкил этди. Бу беш йил ичида тахминан ҳар йили ўртача 390 миллион кишининг ўсишини англатади, ўртача йиллик ўсиш суръати эса тахминан 0,9% га тўғри келади.

Умуман олганда 2023 йил ҳолатига кўра аҳолининг ўсиш суръати дунё йилига 1,1% гача камайган, бу кўрсаткич 1960-йилларда 2,1 ташкил этган эди.

Маълумки, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга таъсирида аҳолининг ёш таркиби минтақаларга қараб сезиларли даражада фарқ қилади.

➤ **Ёшлар:** ёшларнинг энг кўп қисми Африка ва Осиё қитъаларининг айрим давлатларида кенг тарқалган. Масалан, Нигерия ва Ҳиндистон каби мамлакатларда 15 ёшгача бўлганлар улуши умумий аҳолининг 40 фоизигача ташкил қилади.

➤ **Кекса аҳоли:** Европа, Япония, Жанубий Корея ва Хитойнинг айрим қисмларида аҳолининг қариши туфайли ошиб бормоқда. Масалан, Японияда аҳолининг 27% дан ортиғи 65 ёшдан ошган. Бу олдинги йиллари туғилиш даражасининг пастлиги ва умр кўришнинг юқорилиги билан боғлиқ.

➤ **Аҳолининг ўртача ёши:** Европа ва Шимолий Америкада аҳолининг ўртача ёши 40 ёшдан ошади, Африкада эса бу кўрсаткич анча паст — тахминан 20-25 ёш.

Дунё аҳолисининг **гендер** таркиби жуда мувозанатли, аммо баъзи минтақаларда сезиларли номутаносиблик ҳам мавжуд. Дунё миқёсида жинсий нисбат деярли бир хил — аёлларнинг тахминан 50,4% ва эркекларнинг 49,6%.

**Минтақавий номутаносиблик:** Ҳиндистон ва Хитой каби баъзи мамлакатларда эркеклар популяциясининг устунлиги мавжуд. Бу ушбу мамлакатлар маданиятида эркек жинсига устунлик бериш ва қизларнинг туғилиш даражаси пастлиги билан боғлиқ. Мисол учун Хитойда ҳозирги даврда 118 млн. бўйдоқлар истиқомат қилади. Ҳиндистонда эса бу кўрсаткич – 112 млн. ташкил қилади. Умумжаҳон миқёсида **туғилиш ва ўлим даражаси** кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

**Аёлларда фертилик кўрсаткичи:** Умумжаҳон миқёсида туғилиш даражаси 2024 йилдан бошлаб пасая бошлади. 1960 — йилларда аёл учун ўртача 5,1 бола туғилган бўлса 2020 йилда — тахминан 2,4 тушиб кетди. Бунинг сабаблари бир томондан урбанизация оқимларининг ошиб бориши, юқори сифатли контрацепция воситаларидан фойдаланиш ва аёлларнинг жамиятдаги ролининг ўсиб бориши бўлса, иккинчи томондан жамиятда ошиб бораётган ахборот оқимларининг таъсири ҳамда умумий маданият даражасининг ошиши ва анъанавий миллий- минтақавий дунё қарашларнинг ўзгарганлиги ҳисобланади.

2023 йили Африкада қитъасига тўғри келаяпти (масалан, Нигерияда ҳар бир аёлга тахминан 5 бола тўғри келмоқда), шунингдек Осиё ва латин Америкасининг айрим қисмларида кузатилмоқда. Европа ва Шимолий Америкада туғилиш даражаси тескари даражасида бўлиб анча паст (ҳар бир аёлга тахминан 1,5-1,8 бола).

**Ўлим:** сўнгги ўн йилликларда соғлиқни сақлашни яхшилаш, вакциналардан фойдаланиш ва овқатланиш ва санитария ҳолатини яхшилаш туфайли ўлим даражаси сезиларли даражада камайди. Иқтисодий ва ижтимоий ривожланган давлатларда **чақалоқлар ўлими** ҳар 10000 жонли туғилган боладан 5 та нобуд бўлган, Африканинг Саҳройи Кабир ҳудудларида эса бу кўрсаткич ҳар 1000 тирик туғилгандан 50 таси нобуд бўлмоқда.

Юқори ривожланган мамлакатларда ўртача умр кўриш давомийлиги 80 йилдан ошди (масалан, Япония, Швейцария, Канадада), Африкада ва айрим Осиё қитъасида эса ҳанузгача ўртача умр кўриш давомийлиги 60 йилдан ошмаётганлигини кузатишимиз мумкин.

### **Миграция жараёнларининг холати.**

Миграция жараёнлари дунёнинг демографик ўзгартиришда орасида энг таъсирчан ва тез ўзгарувчан омиллар ҳисобланади. Миграция ички, ёки халқаро шаклида ҳаракат оқими кузатилади. Сўнгги ўн йилликларда иқтисодий омиллар, сиёсий можаролар ва иқлим ўзгариши ҳамда ахборот эркинлиги билан транспорт имконлари ошиб бориши туфайли халқаро миграция сезиларли даражада кўпайиб бормоқда. Агарда 2000 йили мигрантларнинг миқдори 12-15 млн. киши бўлса, 2025 йили бу кўрсаткич 50 млн ташкил этди.

Миграция жараёнининг асосий йўналишлари:

- камбағал мамлакатлардан келган муҳожирлар яхши ҳаёт тарзида яшай деб ривожланган Европа, Шимолий Америка ва Осиё давлатларига боришади. Мигрантларнинг 75% Европа давлатларига, 15 % Шимолий Америкага ва 10% Осиёнинг ривожланган давлатларига йўл олишмоқда.

**Миграция оқимларининг инқирозлари жиддий ижтимоий қарама-қаршиликларни хавфи кутилмоқда:**

Сурия, Афғонистон, Украина ва Венесуэла каби бир қатор мамлакатлар оммавий миграция оқимларига айланмоқда, бу эса қочқинлар ва муҳожирларнинг сони йил сайин ошиб боришига сабаб бўлмоқда.

Демографик вазият ҳар бир минтақада миллий, минтақавий хусусиятларга ҳамла геоиқлим шароитига боғлиқлиги билан сезиларли даражада фарқ қилади ва бу ҳар бир минтақанинг сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятига таъсир қилиб, миграция амалдаги қонунчилигига ўз таъсирини ўтказмоқда.

Маълумот учун дунёнинг 242 давлатидан, шу жумладан 188 Бирлашган миллатлар ташкилотига кирган давлатларнинг бори-йўғи 12-тасида “Миграция ҳақида қонун” ишлаб чилиб қабул қилинган, қолган 176 тасида на Миллий Концепция ва Миллий қонун қабул қилинмаган, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам.

### **Минтақалардаги демографик ҳолат.**

**Африка қитъасидаги демографик ҳолат:** Аҳоли миқдорининг ўсиш суръатлари баландлиги билан ажралиб туради, туғилишнинг кўрсаткичлари юқори даражада эканлиги таъкидланади, лекин унинг ҳаққонийлиги ҳам катта шубҳа уйғотади, аҳоли қаришнинг кўрсаткичлари паст даражада.

Айрим ривожланиш босқичидаги давлатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳолат қолақлиги ва таълим билан қамраб олинганлиги 40 -45% ошмаганлигини таъкидлаш зарур.

Мигрантлар учун меҳнат фаолияти, яшаш қулайликлари ва уларнинг хавфсизлиги, шу жумладан ижтимоий кафолатлар етарли эмаслиги таъкидланади.

**Осиё қитъаси:** Ҳиндистон ва Хитой дунёдаги енг кўп аҳолига эга мамлакатлардир, аммо Хитой битта бола сиёсати ва кекса авлод вакиллари орасида ўлимнинг кўпайиши туфайли аҳолининг умумий миқдори аста секин пасайиш тенденциялари вужудга келмоқда. Унинг устига қишлоқ жойларида аҳолининг саводхонлик даражаси 12% ва шаҳар жойларда 43% ташкил этади. Жанубий Осиё ва яқин Шарқда туғилиш даражаси бироз юқори.

**Европа қитъаси:** Аҳоли таркибидаги қариш даражаси кескин ва критик даражада эканлиги билан таърифланади ва туғилиш жараёнларига қарама қарши пропорцияда амал қилишади. Бу тенденция яқин 10 йилликда Европа давлатларининг демографик емирилишдан далолат беради ва уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқариш идораларида Африка ва Осиё мутахассислари билан тўлдирилиб бориш тенденциялари ошиб боради. Ўша давлатларга мигрантларга қулай инновацион янги иш жойларини барпо этиш, пенсияга чиқиш ёшдагиларга ижтимоий таъминот кафолатларини кучайтириш зарурати ҳақида ташкилий-қонунчилик тадбирларини ҳал этиш зарурати туғилмоқда.

### **Шимолий Америка қитъаси:**

Аҳоли демографик ўсиш жараёнининг нисбатан барқарор даражада эканлиги, йил сайин ошиб бораётган қонуний кириб келаётган мигрантларнинг миқдори назоратини кучайиб бориши АҚШ ва Канада давлатларида ижтимоий-иқтисодий ривожланишда муҳим рол ўйнайди. Соғлиқни сақлаш ва таълим инфратузилмаси имконлари кенглиги ва улардан мигрантлар фойдаланиши яхши ривожланган. Юқоридаги

омиллар кейинги 10 йилликда АҚШ ва Канада аҳолисининг демографик ўсиши асосан мигрантлар ошиши ҳисобидан бўлиши кутилмоқда.

### Америка қитъаси:

Асосий демографик тенденциялари туғилиш кўрсаткичларининг камайиб бориши, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш истиқболи беқарорлиги ва шу туфайли мигрантлар имкони борича АҚШ, Канадага, ҳатто ривожланган Осиё ва араб давлатларига давлатларига кетиши сезиларли кучаймоқда. АҚШ ва Канада мамлакатларига миграция оқимлари қонунчилик талабларини татбиқ қилиш учун давлатлар оро келишув ҳақида ижобий ҳал қилинмоқда.

### 1-жадвал

#### Минтақаларга қиёсий тавсифлар

Минтақа	Бойлик	Ўлим	Умр	Миграция	Муаммолари
Африка	жуда юқори	юқори	паст (60-70 йил)	ички ва халқаро миграция	қашшоқлик, паст соғлиқни сақлаш, миграция
Осиё оқади	юқори	камайиб	70-80 йил	баъзи мамлакатларда ички ва халқаро миграция	камайиб туғилиш ставкалари, иқтисодий ривожланиш
Европа	паст	паст	80-85 йил	ички Европа Иттифоқи миграция, Африка ва Осиё	Аҳолининг қариши, меҳнат миграцияси билан боғлиқ муаммолар
Шимолий Америка	ўрта	паст	78-80 йил	Лотин Америкасидан миграция	ижтимоий тенгсизлик, миграция муаммолари
Лотин Америка	ўртача	ёш	75-80 йил	ички миграция, АҚШга миграция	ижтимоий беқарорлик, инқирозга учраган мамлакатлардан миграция

Дунёнинг барча мамлакатларда аҳолининг **қариши** даражаси сезиларли кучаймоқда, бу яқин келажакда пенсия таъминоти

самарадорлигини ошириш, кексаларга тиббий ёрдам ва тиббий хизмат миқдори ва сифатини оширишда қийинчиликлар туғдиради. **Япония** дунёдаги энг қадимги халқлардан бири, аҳолининг 27% дан ортиғи 65 дан ёшдан ошган кишиларни ташкил қилади. **Германия ва Италияда** аҳолининг қариши, меҳнатга лаёқатлилиги боғлиқ муаммолар, ёшга боғлиқлик ҳолатлари билан характерланади..

### **Демографик ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг ўз оро боғлиқлик тенденциялари.**

Дунёда амалдаги демографик ўзгаришлар асосан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларига билан боғлиқ. Сўнгги ўн йилликларда умумжаҳон **урбанизация** тенденциялари фаоллашуви кузатилмоқда. 2025 йил ҳолатига кўра дунё аҳолисининг 66% дан ортиғи шаҳарларда яшайди. Урбанизация жараёнларининг энг катта оқими Осиё ва Африка давлатларида кузатилмоқда.

Сўнгги ўн йилликларда таълим даражаси ва аёлларнинг меҳнат бозоридаги иштироки ошди, бу эса аҳоли демографик кўрсаткичларида туғилиш даражасини сезиларли пасайтиради. Хитой, Ҳиндистон ва Бразилия каби ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ривожланиш учун муносиб меҳнат шароитларини ва даромадни оширишга ёрдам беради, бу ўз навбатида туғилиш кўрсаткичларини, оналар ва болалар ўлимини камайтиришга ёрдам беради.

### **Демографик ривожланиш муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.**

Юқорида қайд этилган барча мавжуд муаммоларни ҳал қилишнинг мумкин бўлган ечимларига давлат идоралари ва жамоатчиликнинг эътибори қаратилиб, дунёнинг демографик кўринишига таъсир қилувчи ҳар бир омилни батафсил таҳлил қилиб, кенг оммага тушунтириш зарур.

Ушбу омилларнинг ҳар бири учун демография жараёнига қандай таъсир қилишларини тасвирлаб бериш ва вазиятни яхшилаш учун мумкин бўлган чораларни кенг давраларда муҳокама қилишимиз зарур.

#### **Хулоса ва таклифлар.**

Улар куйидаги йўналишлардан иборат:

- 1. Ер аҳолиси изоҳ:** дунё аҳолиси ўсишда давом этади, аммо туғилиш даражаси пасайиши билан мутлақ ўсиш ҳам секинлашади, айниқса ривожланган мамлакатларда бу муаммо зиддиятли тарзда ҳал бўлиши

кутилмоқда. Шу билан бирга, Ҳиндистон ва Нигерия каби ривожланаётган бир қатор мамлакатларда аҳолининг ўсиши жуда юқори бўлиб қолмоқда.

### **Таклифлар:**

➤ Ҳар бир давлат ўзининг ички вазиятидан келиб чиқиб, истиқболига аниқлик киритиш учун туғилиш даражасини назорат қилишни кучайтириш зарур: туғилишнинг юқори даражаси чекланган ресурсларга (сув, уй-жой, озиқ-овқат етиштириш, агросаноат, таълим ва тиббий ёрдам) оғирлик туғдирадиган баъзи мамлакатларда контрацепция воситаларидан фойдаланиш ва оилани режалаштиришни қўллаб-қувватлаш орқали туғилишни назорат қилиш чоралари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

➤ Барқарор ривожланиш: ўсиб бораётган аҳоли табақалаштирилган тарзда фаровонлигини ошириш учун барқарор иқтисодий ва ижтимоий моделларни ишлаб чиқиб, қўллаб-қувватлаш.

**2. Аҳолининг ёш таркиби изоҳ:** аҳолининг ёш таркиби соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш эҳтиёжларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Туғилиш даражаси паст ва умр кўриш давомийлиги юқори бўлган мамлакатлар (масалан, Япония ёки Германия) аҳолининг қаришини бошдан кечирмоқда. Африка ва Осиёда туғилиш даражаси юқори бўлган ёшлар популяцияси устунлиги ошиб боришини инобатга олган шарти билан давлат дастурлари ишлаб чиқилиб молиялаштириш зарур.

### **Таклифлар:**

Демографик қариган мамлакатлар муаммосини ҳал қилишлари мумкин:

➤ **иммиграция:** ёшларни ҳудудларида меҳнатга жалб қилиш мақсадида давлат ичида, ёки хорижда давлат Концепцияларини ва миллий қонун лойиҳаларини кенг омма орасида муҳокама қилиш

➤ **туғилишни рағбатлантириш:** оилани қўллаб-қувватлаш давлат дастурларини жорий этиш, ёш оилалар учун ижтимоий кафолатланган шароитларни татбиқ қилиш, солиқ имтиёзлари ва уй-жойларнинг арзонлигини сақлаб қолиш.

➤ **фуқароларнинг меҳнат фаолияти муддатини узайтириш:** кекса фуқароларнинг пенсия ёшини ошириш ва уларни меҳнат фаолиятини мослашувчан меҳнат шартномалари орқали ишлашга ундаш.

Африка давлатлари каби ёшларнинг улуши юқори бўлган мамлакатларда энг муҳим муаммолар:

➤ **Таълим ва аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш:** ишсизлик даражаси ва қашшоқлик ҳолати демографик ўтишни олдини олиш учун ёшлар учун сифатли таълим ва ишга жалб қилиш меҳнатга лоқайдлик имкониятларини узайтириш .

➤ **Соғлиқни сақлаш:** аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган кафолатланган тиббий ёрдам ва тиббий хизматлардан юқори самарали фойдаланиш ва касалликларнинг олдини олиш.

**3. Аҳолининг жинси таркиби изоҳ:** аҳолининг жинсий тузилиши турли минтақалардаги эркаклар ва аёлларнинг нисбатларини кўрсатади. Хитой ва Ҳиндистон каби баъзи мамлакатларда маданий имтиёзлар ва жинсга асосланган аборт қилишлари туфайли эркаклар фойдасига номутаносиблик мавжуд.

#### **Таклифлар:**

➤ **Аҳоли ўртасида аёлларнинг ижтимоий ролини кучайтириш ва янада такомиллаштириш:** маданий меъёрларни ўзгартириш, гендер тенглиги тўғрисида хабардорликни ошириш, аёллар учун таълим ва соғлиқни сақлаш имкониятларидан фойдаланиш бўйича янги ноанъанавий меҳнат қилиш ва оилага қараш ҳуқуқий и ташкилий муносиб шароитлар барпо этиш.

➤ **Аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш:** аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қонуний чоралар, шу жумладан жинсий физиологиясини сақлаб қолиш ҳамда фақат тиббий асосланган талаб асосида аборт қилишни рухсат бериш зарур.

➤ **Гендер тенглиги:** ҳар бир давлатда қонуний белгиланган меъёрлар даражасида ва жамоат ҳаётида гендер тенглигини қўллаб-қувватлаш.

**4. Аҳолининг туғилиш ва ўлим даражасига эътиборни кучайтириш талаблари изоҳ:** туғилиш ва ўлим даражалари аҳоли динамикасига бевосита таъсир қилади. Ривожланаётган мамлакатларда туғилиш даражаси юқори бўлиб қолмоқда, бу аҳолининг тез ўсишига ёрдам беради, ривожланган мамлакатларда эса туғилиш даражаси паст ва аҳолининг қариши кузатилади. Кўпгина мамлакатларда ўлим даражаси пасаймоқда, аммо ҳали ҳам болалар ўлими юқори ва умр кўриш давомийлиги паст бўлган минтақалар мавжуд.

#### **Таклифлар:**

➤ **Ўлимни камайтириш:** соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишни яхшилаш, эмлаш, юқумли касалликларни назорат қилиш ва санитария ҳолатини яхшилаш муҳим чоралардир. Болалар ва кам қонли ҳомиладагиларни тўйимли озиқланишни ҳал этиш ва очлик билан курашиш дастурлари қабул қилиш.

➤ **Чақалоқлар ўлимни камайтириш:** соғлиқни сақлаш сифатини тубдан яхшилаш, айниқса болалар ўлими юқори бўлган мамлакатларда оналар ва болаларга кафолатланган бепул тиббий ёрдамни ташкил этиш имкониятларини кенгайтириш.

➤ **Туғилишни жараёнини профессионал даражасида тарғиб қилиш:** туғилиш даражаси паст бўлган мамлакатларда оилалар учун шароит ташкил қилиш ва ота-оналарни қўллаб-қувватлаш муҳимдир. Бунга оилани қўллаб-қувватлаш дастурлари, арзон уй-жойлар, солиқ имтиёзлари, аёллар учун муносиб меҳнат шароитларини ташкил этиш, оналик ва оталик таътилларни кенг тарғиб қилиш.

**5. Миграция изоҳ:** миграция оқимлари дунёнинг демографик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Миграция мажбурий бўлиши мумкин (масалан, урушлар, қашшоқлик ёки экологик офатлар натижасида) ёки ихтиёрий (масалан, иш ёки таълим учун). Камбағал ҳудудлардан бой мамлакатларга кўчиш ҳам интеграция ва ижтимоий тенгсизлик билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

#### **Таклифлар:**

➤ **Миграция оқимларини самарали бошқариш:** муҳожирларнинг ҳуқуқларини ҳисобга оладиган ва уларни ривожланган мамлакатларда қабул қилишга имкон берадиган, шу билан бирга ушбу мамлакатлар фуқароларининг ҳуқуқларини ҳурмат қиладиган гуманитар талаблари асосида-ар бир давлатнинг миграция сиёсатини ишлаб чиқиш.

➤ **Қабул қилувчи мамлакатлар имконларини ривожлантириш:** муҳим қадам муҳожирлар келиб чиққан мамлакатларни ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий қўллаб-қувватлашдир. Бунга иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлашни ҳамда банк ва суғурта хизматларини ривожлантириш кирази.

➤ **Мигрантларнинг интеграцияси:** профессионал иш ва касб-хиналарга ўқитиш, кафолатланган ижтимоий хизматлардан фойдаланиш, уй-жой, соғлиқни сақлаш ва маданий интеграция ва ижтимоий

бирдамликни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олган интеграция сиёсатини ишлаб чиқиш.

**6. Минтақавий фарқлар изоҳ:** демографик жараёнлар дунёнинг бир давлатидан бошқасига ўтиш, янги ҳудуддаги урф-одатлар, маданий ва тарихий дунёқарашлар жуда фарқ қилади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар (Европа, Шимолий Америка) аҳолининг қариши ва туғилишнинг паст даражаси муаммосига дуч келмоқда, ривожланаётган мамлакатларда (Африка, Жанубий Осиё) эса туғилиш даражаси юқориликча қолмоқда ва аҳоли тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

**Таклифлар:**

➤ **Халқаро ҳамкорлик:** демографик муаммоларни, шу жумладан миграция, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликни ҳал қилиш бўйича умумжаҳон стратегияларни ишлаб чиқиш.

➤ **Давлатлар аро сиёсатни мослаштириш:** ҳар бир мамлакат ўз сиёсатини демографик эҳтиёжларини қондириш учун мослаштириши керак. Аҳолиси кўпайиб бораётган мамлакатлар учун бу инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари барпо этиш ва ижтимоий ҳимояни яхшилашни англатади. Аҳолиси камайиб бораётган мамлакатларда туғилишни рағбатлантириш ва муҳожирларни жалб қилишни англатади.

**7. Ижтимоий-иқтисодий омиллар изоҳ:** иқтисодий шароитлар, урбанизация даражаси, таълим ва соғлиқни сақлашнинг мавжудлиги демографик жараёнларга бевосита таъсир қилади. Урбанизация ва таълимнинг юқори даражаси ривожланган мамлакатларда туғилишнинг пасайишига ва аҳолининг қаришига олиб келади.

**Таклифлар:**

➤ **Иқтисодий ривожланиш:** имтиёзлар ва имкониятларни тенг тақсимлаш билан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.

➤ **Шаҳар ва қишлоқдаги яшаш тарзи сиёсати:** шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларини қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқиш, шу жумладан инфратузилмани яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлаш.

➤ **Оилани қўллаб-қувватлаш:** оилаларга, айниқса кўп болали ва ёлғиз ота-оналарга ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, меҳнатни бирлаштириш ва болаларни тарбиялаш учун муносиб ва қулай шароитларни ташкил қилиб бериш.

**8. Демографик қариш изоҳ:** аҳолининг қариши мамлакатлардан аҳолини меҳнатга лаёқатли давомийлигини узайтириш ва кекса одамлар

учун ҳаёт сифатини ошириб бориш стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилади.

### **Таклифлар:**

➤ **Давлат ва хусусий пенсия тизимларини қўллаб-қувватлаш:** умр кўриш давомийлигини ошириш ва ишлайдиган фуқаролар улушини ошириб бориш учун меҳнат ва пенсия тизимларини мувофиқлаштириб боришни ислоҳ қилиш.

➤ **Кексалар учун соғлиқни сақлашни ривожлантириш:** қариялар учун махсус валеология тиббий хизматларнинг мавжудлигини ошириш, қариган аҳоли саломатлигини қўллаб-қувватлаш.

➤ **Фаол узоқ умр кўриш:** кекса одамларнинг фаоллигини рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий мавқеини яхшилаш, кексалар учун иш ўринлари яратиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *United Nations, Department of Economic and Social Affairs (UNDESA). World Population Prospects 2022: Summary of Results. <https://population.un.org/wpp>*
2. *United Nations Population Fund (UNFPA). State of World Population 2024. <https://www.unfpa.org/swop>*
3. *International Organization for Migration (IOM). World Migration Report 2024. <https://www.iom.int/wmr>*
4. *World Bank Data. World Development Indicators – Population, Fertility, Life Expectancy. <https://data.worldbank.org>*
5. *Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD). Population Statistics, Migration Outlook 2024. <https://www.oecd.org>*
6. *UN-Habitat. World Cities Report 2022: Urbanization and Demographic Challenges. <https://unhabitat.org>*
7. *World Health Organization (WHO). World Health Statistics 2023. <https://www.who.int/data>*
8. *Ўзбекистон демографик йилномаси – 2023 йил. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. <https://stat.uz>*
9. *UNFPA Uzbekistan Country Office. Population and Development Briefs for Central Asia. <https://uzbekistan.unfpa.org>*

## DEMOGRAFIYA VA MEHNAT BOZORI

### **BOSH MUHARRIR:**

Umurzoqov Bahodir Xamidovich

### **MUHARRIR:**

Bahriddinova Muazzam Azam qizi

